## Қадрият

# МУҚАДДАС БАЙРАМ

— Ҳозирги ёшларга ҳайронман-да, — дейди ғалати бир ҳолатда Ҳожиакбар ака деган танишим. — Менинг исмимдан улар баъзан шубҳага тушишади.

— Очиғини айтинг, нима бўлди ўзи? — сўрадим у кишидан.

— Набирам Ҳайбатуллоҳ: "Сиз Ҳажга борганмисиз?" деб дабдурустдан сўраб қолса бўладими!

— Унга нима деб жавоб бердингиз?

— Ҳажга бормаганман. Лекин, Ҳожиакбар йилида Курбон ҳайити кунида туғилган эканман. "Улуғ Ҳожи" — доимо улуғ, омадли бўлиб юрсин деб, исмимни Ҳожиакбар қўйишган экан.

— Э-э, Ҳажга бормаса ҳам Ҳожиакбар исмини қўйса бўлаверар экан-да! — деди яна набирам.

— Ҳа, бундай исмлар бир талай. Масалан, эзгу ният билан Ҳожимурод, Ҳожиқул каби исмлар қўйилган одамлар ҳам бор.

— Яна шунга ўхшаш исмлар бор-ми?

— Бўлмасам-чи? Мана, Қурбон ҳайитида туғилган чақалоқларга — Қурбон, Қурбоной, Ҳайитбой, Ҳайитой, Майрамой, Муқаддас каби исмлар қўйилади. Бу исмларда энг эзгу ниятлар жодир. Улар бахтли, дину-диёнатли, худди ҳайитдагидек қувноқ, хушчақчақ ва тўқ, фаровон яшасин дея ният қилинади-да!

Азизлар, Қурбон ҳайити билан боғлиқ исмлар мазмуни ҳақидаги бобо ва набиранинг суҳбатини бежиз тилга олаётганимиз йўқ. Чунки, эрта ўтиб индинга Ислом дунёсида энг катта байрамлардан бири, Қурбон ҳайитини нишонлаймиз.

Қурбон ҳайити мусулмонларнинг икки муқаддас ҳайитининг биридир. Бу ҳайит ҳижрий-қамарий йил ҳисобида, ҳар йили Зулҳижжа ойининг ўнинчи куни нишонланади ва уч кун байрам қилинади. Бу йилги Қурбон ҳайити милодий ҳисобда **1 февралда** киради.

Қурбон намозини ўқилиш вақтига келсак, уни қуёш бир найза бўйича кўтарилгач, то туш вақтигача ўқиш мумкин. Баъзи бир сабабларга кўра, бу вақтгача улгурмаганлар, эртаси айни шу вақтгача ўқиса ҳам бўлади.

Қурбон намозининг нияти: "Қиблага қараб икки ракат Қурбон ҳайити намозини ўқишни ният қилдим ва шу имомга иқтидо қилдим, холиса лиллаҳи таола" дейилади. Намоз ўқиб бўлингандан сўнг, мўъмин-мусулмонлар, бу ҳайит билан бир-бирларини муборакбод этадилар. Йўл-йўлакай совға-саломлар харид қилиб, уйга келишади. Уйдагиларни ҳам Қурбон ҳайити билан қутлашиб, байрам совғаларини тарқатишади.

Қурбон ҳайитининг ўзига хос файзу баракати ва анъанаси бор. Қурбон номи билан аталган бу ҳайитнинг анъанаси — Қурбонлик қилишдир. Қурбонлик қилиш ҳам закот каби ҳижрий-қамарийнинг иккинчи йилида қонунлашгандир.

Қурбонликни ҳайит намози ўқилгандан сўнг, то ҳайитнинг учинчи куни шом намозига қадар сўйиш мумкин. Қурбонликка қўй, эчки, қорамол, туя каби ҳайвонлар сўйилади. Туя беш ёшли, қорамол икки ёшли, қўй ва эчки камида бир ёшли бўлмоғи лозим. Олти ойлик семиз бузоқ, бир ёшдай келадиган семиз қўй ва эчкини ҳам қурбонлик қилса бўлади. Қорамол ва туяни тўрт, олти киши бўлиб қурбонлик қилишга ҳам рухсат берилган. Улар ўртасида гўшти тенгма-тенг бўлиб олиниши керак.

Қурбонликка сўйиладиган ҳайвонларнинг қусри бўлмаслиги лозим ва унинг гўштини ўзи ва оиласидагилар, қўшнилари, қариндошлари билан бирга муҳтожларга, мусофирларга, етим-есирларга ҳам берса, унинг савоби катта бўлади.

Қурбон ҳайитида мўмин-мусулмонлар яна бир фарз амални адо этишади. Бу Ҳаж ибодати бўлиб, ҳар йили, фақат Қурбон ҳайитида адо этилади.

Собиқ шўро жамиятида Ҳаж ибодатларини бажариб келиш жуда ҳам қийин бўлган эди. Бир йилда икки-уч кишигагина минг бир чиғириқдан ўтказилгандан кейин Ҳажга боришига рухсат берилар эди.

Худога минг бора шукроналар айтамизки, мустақилликни қўлга киритдик. Бугун биз озод ва эркин бўлдик. Ҳуррият эпкинлари ўлароқ, динга бўлган муносабатлар бутунлай ўзгарди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилиб, фаолият кўрсатиб турибди. Ўзбекистон мусулмонлар идораси қошида махсус жамғарма ташкил топган. Тошкентда Ислом университети очилиб, унинг илк битирувчилари ўтган йили ҳаётга йўлланма олишди. "Виждон эркинлиги ва диний ишлар бўйича" янги таҳрирдаги қонун ишлаб чиқилиб, ундан фойдаланишга муваффақ бўлиб турибмиз.

Динимизга мустақиллик берган имкониятларнинг саноғига етиш жуда ҳам қийин. Ҳозир соҳанинг ўз нашриёти, газета-журналлари, ҳатто "Зиё" телестудияси фаолият кўрсатиб турибди.

Ҳуррият берган диний эркинликларга ҳамоҳанг Рўза ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунини дам олиш куни деб эълон қилинганидан фахру ифтихорга тўламиз. Масжид-мадрасаларимиз эса 1990 йилда 119 та бўлган бўлса, бугун 2000 дан ошиб кетган.

Агар 1991 йили мамлакатимиздан 1500 нафар мусулмонларимиз муқаддас Ҳаж зиёратига борган бўлсалар, бу рақам ҳозирда ҳар йилига 4000 минг нафарга етди. Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида республикамиздан 50 минг нафардан ортиқ фуқароларимизнинг Ҳаж ибодатини адо этиб келишгани қувонарли ҳолдир.

Бу йил ҳам мамлакатимиздан Ҳаж зиёратини адо этиб келишликка, қарийб тўрт минг нафарга яқин юртдошларимиз кетишган. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, истиқлол йилларида Ҳажга борувчиларга Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан жиддий эътибор берилмоқда. "Ўзбекистон — ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳожиларни Саудия Арабистонига олиб бориш ва яна Ватанимизга қайтиб келишларини режали асосда ташкил этган. Шунингдек, ҳожиларнинг саломатлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш вазирлиги, хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари қўлларидан келганича ёрдам кўрсатиб келишаётир. Насиб этса, ҳадемай ҳожиларимиз муқаддас қадамжоларнинг файзу барокатини, руҳиятини Она-Ватанимизга ҳам олиб келишади деган умиддамиз. Бундай имкониятларнинг эшигини кенг очиб берган мустақилликка, айниқса, Яратган Тангри таолога ҳамду санолар айтамиз.



**Ҳожи Абдулла ОРИФ**

### ҲАЙИТ

Ҳайит кунларида жанглар ҳам тўхтаб,
Қиличлар қинига қайтиб киргувси.
Мўминлар эгизак жонларга ўхшаб,
Ўзгага боққан чоқ ўзни кўргувси.

Умидвор ҳар кимса топиб кушойиш,
Қоронғу дилларга ёғиб тургай нур.
Уйқуда фароғат, юртда осойиш,
Дуолар ижобат, ниятлар манзур.

Адоват, ҳасадни касб этган инсон,
Майли шоҳ ё гадо, ё сайид бўлсин.
Илоё, барига бахш этсин иймон,
Ўтар ҳар лаҳзаси бир ҳайит бўлсин.

Диний эркинликни суистеъмол қилишиб, Худо муқаддас қилган ҳайит кунларини бидъат ва хурофотга буркаб, ҳар хил даҳмазали тадбирлар ўтказишга одатланаётганлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга ҳайит кунларида тўп-тўп бўлиб фотиҳабозликка юришликлар ислом динига мутлақо зиддир. Оллоҳ таоло муқаддас қилган ҳайит кунларида, ҳатто қабр азобини чекаётганлар ҳам озод этилади-ку?!

Ҳайит кунларини ҳақиқий маънода байрам қилайлик. Баъзан маҳаллаларда тўда-тўда бўлиб, келин кўрдига бораётганларга ҳам дуч келамиз. Бундай ортиқча одатларнинг кимга кераги бор?! Ахир, оиланинг айём қувончлари ихчам тарзда тартибли қилиб, яқин қариндошлар, маҳалладошлар билан баҳам кўрилса яхши эмасми?

Ҳайит кунларининг ижобий томонлари асрлар оша қадриятларимизга мустаҳкам сингиб кетганлигини кўрамиз. Буни атроф-муҳитни тозалаш, ота-оналарни, пиру комилларни, улуғ ва мўътабар ёшдагиларни зиёрат қилишда ҳам кўриш мумкин. Шунга ўхшаш кам таъминланган, муҳтож кишиларга, етим-есирларга ҳиммат, меҳр-мурувват, саховат кўрсатишлик ҳам олийҳиммат фазилатлардандир. Бундай ишларга қўл урган кишилар Оллоҳнинг раҳматига ва кўплаб савобга дахлдор бўладилар. Зеро, дуо олишлик ва савобга муяссар бўлишлик энг яхши, хайрлик ишлар жумласига киради.

Илоҳо, тинчлик-тотувлигимиз янада мустаҳкамлансин! Яратгандан омонлик, хонадонларимизга файзу барокат тилаймиз. Янаги ҳайитларгача соғ-омонликда етиб келишимизни насиби рўз айласин!

Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

**Абдулҳамид ҳожи ҲАБИБУЛЛАЕВ.**



Қадим ҳикматлардан сўзланг, бувижон

## Донолар бисотидан

**ОДАМ ОДАМ БИЛАН**

Агар кўнгил тортарлик билан суҳбатдош, беғараз дўст топилса, ёлғизликдан кўра улар билан суҳбатлашиб ўтириш яхшироқдир. Одамлар бир-бирларига муҳтождирлар. Ўзаро муносабат пайдо қилмасалар, ишлари нотамом қолади. Одамларга аралашмасдан ёлғизликни севиш, жамиятдан қочиб юриш ақлга мувофиқ иш эмасдир.

**Ушла жамият этагин, ушлагил,**
**Ҳеч бир иш ёлғизлик ила битмагай.**

**БАХТЛИ ОДАМЛАР**

Шундай гўзал ҳисларга эга бўлган одамлар бор: ўзларининг хушмуомалалари, меҳр-шафқат ва марҳаматлари соясида ҳатто душманларини ҳам ўзларига дўст қилиб олишга муваффақ бўладилар. Бундай бахтли одамлар олқишга, таҳсин ва офаринга сазовордирлар.

**Хирад аҳли оғир сўз бирла қилмас дўстни бегона,**
**Мулойим сўз билан бегоналарни ошино айлар!**

**ИҚБОЛ ЭШИГИ**

Сабр ва сукутдан бебаҳра қолмайлик. Фикримиз ойнасига оқиллар ишорати ва насиҳатлари билан сайқал берайлик. Бир ишга киришар эканмиз, аввал ўйлаб, сўнгра у ишни бошлайлик. Шошқалоқлик ва енгилтакликдан узоқ бўлайлик. Шундагина иқбол ва давлат эшиги юзимизга очилади, бахт ва саодат гавҳарлари бошимизга сочилади:

**Пур хатар гирдобига ташлар сени охир шитоб,**
**Мумкин эрмас жаҳд бирла ул макондан тебранмоқ.**

**МАҚСАД**

Истироҳат ва уйқуга майл қилмасдан илгари шу уч нарсани эсингизга туширинг. Биринчи: ўйланг, бугун сиздан бирор хато иш ўтдими, йўқми? Агар ўтган бўлса, қандай тадбир билан тузатиш мумкин?

Иккинчи: андиша қилинг, бугун халқ манфаати йўлида бирорта хайрли иш қилдингизми, йўқми?

Учинчи: эсга олинг, бепарволигингиз ва ишга совуққонлик билан қараганингиз туфайли, қайси ишингиз амалга ошмай қолди?

**Мақсадни ҳосил қилолмас бемашаққат ҳар киши,**
**Чекмай очлик меҳнатин, қандай билур нон қадрини?**

## ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

**Қўшниларини иззат ва ҳурмат қилмайдиган, уларнинг дилларини оғритадиган одамдан ҳамма нафрат қилади, у одам ўз обрўсини йўқотади.**

Ота-она тарбияси қандай ҳолда бўлса, боласи ҳам шундай тарбияда ўсиб етишади. Шунинг учун аввал ўзимиз гўзал тарбияли бўлайлик, болаларимизни ўзимиздек, гўзал тарбияли қилиб ўстирайлик.

**Ҳар бир сўзни ҳақиқат деб сўзлайбериш хато, аммо ҳақиқий сўзни тинглаш ва унга амал қилиш фарздир.**

Ўзининг илмига, мартабасига мағрур бўлиб, кеккайиб кетиш жоҳилликнинг бир хилидир.

**Тарбиядан улуғроқ нарса йўқ. Тарбия соясидагина инсон ҳақиқий инсон бўлади.**

Ота-онасининг розиликларини олишга ғайрат қилиб, уларга ширин сўз, очиқ юз билан муомала қилган фарзанд олқишга сазовордир.

**Баланд товуш билан ёки жуда секин сўзлаш тингловчининг боши оғришига сабаб бўлади. Шошиб-пишиб ёки бўлиб, кейинга қолдириб сўзлаш ҳам тавсия қилинмайди. Нотиқ нутқини қисқа қилиб, фойдали иборалар билан сўзласа, нутқи ҳамма эшитувчиларга маъқул ва мағруб бўлади.**

Сўзлаб турган кишининг сўзини бўлиб сўзга чиқиш — жаҳолат асари, у одам ўз сўзини тамом қилгандан кейин рухсат билан сўз олиш одоб, тарбияга мувофиқдир.

**Улфатнинг шарти кулфатни тарк қилишдир.**

**Шошқалоқлик — пушаймонликнинг синглиси.**

Сабр қилган одам зафарга, муваффақиятга эришади, шошқалоқликни надомат, пушаймонлик қарши олади.

**Дўстлик — мевадор дарахт, дўстларнинг бир-бирлари билан кўришиб туришлари у дарахтнинг ширин меваларидир.**

Ширин сўзинг, гўзал муомаланг билан халқ орасида донг чиқар. Қилган ишинг билан ҳеч вақт мақтанма.

**"Ман ундай одамман, бундай одамман" деб ўзингни ўзинг юқори кўтариб, фазл изҳор қилиб юрма, агар жамиятга хизмат қилган бўлсанг, қўй, сабр эт, жамият сени унутмайди, хизматингни тақдирлайди. Ёлғон-яшиқ, лоф-қофларни сўзлаб изҳори фазл қилишдан чекин.**

Овқат-ичимлик жасад учун озиқ бўлса, илм ва ҳикмат ақлнинг озиғидир.

**Уч нарса қалбга шодлик ва ақлга қувват беради: номусли, очиқ юзли, ширин сўзли хотин, етарли ризқ-рўз, мунис, самимий дўст.**

Насиҳат таъсир қилмаган одам бахтсиздир.

**Ота-онасини ҳурмат қилмаган фарзанд ўз фарзандидан ҳурмат талаб қилишга лойиқ эмасдир.**

Бирор одам ёки хат воситаси билан бир-бирининг ҳолини сўраш энг гўзал одат, дўстлик ва муҳаббат белгисидир.

**Ҳар ким ўзининг сўзлаган сўзи ва қилган иши билан танилади, шунинг учун тўғри сўзлаши, жамиятга фойдали ишлар қилиши лозимдир.**

Тўғрилик, ростлик одамни сира ҳам уятга қолдирмайди.

**Ҳақиқий дўстга эга бўлганимиздан кейин унга ҳурмат ва самимият кўрсатиш вазифамиздир, буни эсдан чиқармайлик.**

Инсон ҳаётида учрайдиган маъносиз ва зериктирувчи ҳолларга, қайғу аламларга қарши энг олий ва мукаммал даво меҳнатдир.

**Улуғлик — ўзига оро бериб, бежирим кийинишдангина иборат эмас, ақл, адаб, тарбиядадир. Ақлли-фаросатли, адабли, тарбияли одам эски кийимни озода-тартибли кийиб юрса ҳам иззат-ҳурматга эгадир. "Ўзига боқма, сўзига боқ", — деган ҳикматли сўз шунга ишоратдир.**

## Одобнома

Давоми. Боши ўтган сонда

**Ризоуддин ибн ФАХРУДДИН**

# Оила

Шу сабабдан ҳам хотунларнинг тарбияли бўлишлари зарур ва бунинг фойдаси ҳам бутун миллатга мансуб бўлур. Лекин хотунлар учун лозим бўлган илму зарур бўлган тарбия қандай ишдир? Хотунлар учун лозим бўлган илми тарбияли мурод, ўз вазифаларини билмоқлари-ю фазилат ўрганмоқлари, сўнгра буларга гўзал суратда амал этмоқлари лозим демакдир. Инсонларни бахтли этажак нарса илмгина бўлмай, балки илм ила бирликда бўлган фазилатдир. Фазилат эса ҳусни хулқ, яъни ахлоқ демак бўлур. Бу тақдирга кўра одамларни масъуд этажак нарса ўз вазифасини билмоқ ва билганини ҳусни хулқ билан адо этмоқдир. Фазилату ҳусни хулқ бўлмаганида илм дарахти мева бермайди. Инсонларнинг саодатлари тарбияга боғлиқ бўлиб, тарбия ҳам хотунлар қўлидадур. Шунинг учун, умуман халқни тарбияли қилиш учун хотунларни тарбияламоқ ҳамда шу тарбияни болаларга ҳам бера оладиган даражага олиб бориш лозим.

Агарда хотунлар орасида тарбия билан илм ёйилса, тарбия ҳам, ҳусни ахлоқ ҳам болаларга кўчади, эл-юрт ва халқ орасига тарқалади, маҳкам томирланади.

Бутун одам боласига биринчи даражада ҳамда энг аҳамиятли нарсалар ҳақида муаллимлик этувчиларнинг илму тарбиядан маҳрум бўлиб қолишларини дуруст деб билмоқ, минглабча одамларни ортиб кетаётган кемани сўқир ва жоҳил бир одамга топшириб сафарга чиқмоқ кабидир.

Хотунларнинг тарбиялари бу даражада лозим бўлган ҳолда, бизларда бунга аҳамият берилмайди. Хотунларни тарбия этиб, улар воситасида бутун эл-юрт орасида ахлоқ ва фазилат уруғини сочиш фикри дунёнинг ҳар тарафида майдонга чиққани ҳолда, бизларда баъзи зотлар тарафидан: "хотунларга илм ўргатмоқ бузуқликка сабаб бўлур" дея асоссиз қарашлар тарқалаяпти. Бу эса, таассуфли ҳоллардандир. Илмли эрлар орасида ҳам баъзи вақтларда бузуқликлар содир бўлади. Ҳолбуки, булар ҳақида гапирганда "булар олим бўлганлари учун бу бузуқликни қилдилар", дейишмас. Шу қабилда, илмли хотунлар орасида ҳам бузуқлик содир бўлганида: "уларнинг бузуқликларига илмлари сабаб бўлди" дейиш ҳам дуруст бўлмас.

Бузуқликларга сабаб хоҳ эрда, хоҳ хотунда бўлсун, барибир, бу аслида илму фазилатдан эмас, балки илму фазилатнинг камлигидан бўлур.

"Хотунларга илм ўқутмоқ зарарлидир" дейиш ноҳақ сўз бўлиб, одамларнинг ярмидан иборат бўлган кишиларни илмдан бебаҳра қолдиришга, бунинг натижасида умуман одам болаларини, тарбиядан маҳрум қилишга йўл очиш демакдир.

Болаларига тарбия бера билмаган ва ҳусни ахлоқ ўргата олмаган хотундан фойда ўрнига улуғ зарарлар кўрилур. Зеро, бундай хотунлар халқ орасида вабо микробларидан зарарли бўлган инсонлар етиштирурлар.

Тарбиясизлик эса, айрим бир таълимга ҳожат бўлмас, балки унинг сабаби таълим-тарбия этилмаганлигидандир. Болага гўзал тарбия берилмаса, шу ҳолнинг ўзи ҳам тарбиясизликка ўргатиш бўлур. Кўп вақтда тарбиясиз хотунлар тарбия берарлик даражада ҳунар-истеъдодлари бўлмагани ҳолда, худди тиб илмидан бехабар одамлар беморларни даволаётганликларига ўхшайди. Улар болаларини табиий ҳолларида тутмай, балки тарбияламоқ бўлиб ахлоқни бузадиган дарслар берадилар. Бундай болалар бир вақтда тузалмайдиган даражада бузиладилар. Табиий ҳолларида қолган болаларни гўзал мактаблару ахлоқли муаллимлар воситасида тузатмоқ қулай бўлгани ҳолда, тарбиясиз хотунлардан тарбия олган болаларни тузатиш мушкул бир ҳолдир. Зеро онадан олган тарбиясини бола умри бориcча унутмас. Тарбиясиз хотунлар бағрида тарбияланган болалар ҳатто мактабларга кириб илм олсалар-да, табиатлари бузилгани сабабли ўрганган илмларини ёмон ишларга қурол қилурлар. Баъзи кимсалар бутун мол дунёларини сарф этиб бўлса ҳам болаларининг саломатликларини сотиб олишга рози бўлишса ҳам, аммо ўлимдан ҳам баттар хатарли бир қўрқинчдан қутулиш учун етарли даражада тиришмайдилар. Бу ҳам бир тарбиясизликдандир.

Бир боланинг динида эътиборсиз, ота-онасига нисбатан қўпол муомала қиладиган бўлгани, маишатни бузуқлиги узра бино қилмоғи ўлимдан ҳам қўрқинчли бир ҳол экани кўпчиликка маълум. Ўзи яхши хулқ-атвор билан ўстириб, сўнг умрларининг охирида унинг шафқатли қўланкасида роҳатли умр кечириш умидида асраб-авайлаб ўстирган боласидан қўпол муомала кўрувчи ота-она учун болаларининг дунёда яшамоғидан нима фойда бўлади?!

"Кошки, уйланмасам эди, кошки, дунёга келмасам эди", деб ҳасрат чекувчи ота-оналар бу дунёда озми? Ҳолбуки, бундай ҳасратларга кўп вақтда ота-онанинг ўзлари сабаб бўладилар. Тарбия бериш керак бўлган бир вақтда, болаларига лозим тарбия бермаганликлари бундай ишларга сабаб бўлур. Шунинг учун ҳам хотунларга тарбия бермоқ лозим. Хотунларнинг киядиган камзуллари, бахмал-ипак кўйлаклари, олтун билагузуклари зийнат эмас, балки олган тарбиялари зийнатдир.

**(Давоми бор)**

## КУЛГИ БЕКАТИ



*Йўловчи вокзал навбатчисига:*

*— Тушунмадим, поездлар доимо кеч қоладиган бўлса, бу ерга жадвал илиб қўйишнинг нима ҳожати бор?*

*— Ие, бу жадвал бўлмаса, поездингиз кеч қолаётганини қаердан билардингиз?*

Эру хотин курортга кетяпти. Поезд қўзғалгач, хотини хўрсиниб эрига дейди:

— О, қани энди ҳозир пианиномиз шу ерда бўлиб қолса...

— Хўб бемаъни фикрлар келади-да калланггa...

— Пианинонинг устида поезд билетини қолдириб келибман.

**— Менга хотин бўлишни истамайсизми?**

**— Вой, танишганимизга атиги икки кун бўлди-ку?**

**— Майли, бўлмаса мен яна бир кун шошмай тураман...**

— Менинг жияним қўлингизда ишлашини биласиз-а?

— Ҳа, албатта.

Сўнгги халқаро футбол ўйини бўлган куни жиянингиз сизнинг дафн маросимингизда қатнашиш учун жавоб сўраган эди.

## Мунажжимлар дейдиларки...

# ГРИППНИ КИМ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАДИ



Одатда қиш ва эрта баҳорда грипп, шамоллаш одамлар орасида кўпаяди. Аммо шуни қайд этиш керакки ушбу касалликлар, айниқса, турли кишиларда турлича кечади. Яъни касалликни турли бурж остида туғилганлар турлича ўтказадилар. Шу сабабли ҳам улар грипп билан оғриш, уни ўтказиш йўлларини билиб қўйсалар фойдадан холи бўлмайди деб ўйлаймиз.

**ҚЎЙ (21.03-21.04)** Қўй буржида туғилганларга одатда грипп бошқаларга нисбатан вақтлироқ юқади. Касаллик тезда намоён бўлиб, бирдан ҳарорат кўтарилиб кетади. Қўйлар бардошлилиги ва хушчақчақлиги туфайли ҳам гриппни тез енгадилар. Фақат улар ҳаракатчан бўлганликлари туфайли беморни тўшакда тутиб туриш қийин.

**БУЗОҚ (22.04-21.05)** Бузоқ буржида таваллуд топганлар эса аксинча касалланганликларини сезишлари биланоқ кўрпа-тўшак қилиб даволанишни бошлайдилар. Шифокор маслаҳатига жиддий муносабатда бўладилар. Ҳар бир буюрганини тўла бажаришга ҳаракат қилишади. Агар даволаниш бюджетга таъсир этишини сезишса даволанишнинг энг самарали усулларига мурожаат этишади.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05.-21.06)** Эгизаклар гриппга бефарқ бўлганликлари туфайли кейинчалик ўткир бронхит, ҳатто зотилжам касаллигини орттириб олишлари мумкин. Шунингдек, касаллик пайтида риоя этилиши лозим бўлган нарсаларга амал қилмай йўталиб, аксириб юраверади. Бу гриппнинг атрофидагиларга юқиш эҳтимолини ошириб юборади. Кечаси бурни битиб қолишидан қийналади. Дориларни эса тузалиб кетиш учун каппалаб ютишга тайёр.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-23.07)** Ниҳоятда эътиборлилиги, сезгирлиги туфайли ҳам атрофидагилар касалланганда қандай кечганлиги, асоратлари ҳақида гапирган пайтларидаёқ грипп вируси юқиб қолиши мумкин. Касал пайтида унинг севимли овқатларини бериш, фақат яхши гапириш билан тузалишига йўл очиш мумкин. Шунингдек, сув билан даволаш, масалан, қайноқ тузли сувга оёғини солиб турса тезда шифо топади.

**ШЕР (24.07-23.08)** Гриппнинг олдини олиш бўйича эҳтиёт чораларидан жонсарак. Касаллик тўсатдан ташриф буюришини хоҳламайди. Чунки кучсиз ва иродасиз кўринишни истамайди. Шу сабабли оилавий ахборот воситаларида маълумот берилиш биланоқ кераклидори-дармонлардан фойдаланади, витаминлар, мева шарбатлари, сабзавотлар истеъмол қила бошлайди. Шунга қарамай касалланиб қолса ўзини ҳақиқий шердай тутади.

**ПАРИЗОД (24.08-23.09)** Касаллик билан мардона курашади. Шифокорларнинг барча кўрсатмаларини ортиғи билан бажаради. Режимга қаттиқ риоя этади. Диета сақлайди. Аммо ҳамма шифокорга ҳам ишонавермайди. Бирдан маслаҳат олиб бошқасига боради. Энг маъқул кўрган даво усулини қўллайди.

**ТАРОЗУ (24.09-23.10)** Жамоат транспорти ёки иш жойидаги ҳамкасбларидан касалликни тезда юқтириб олади. Беморлик даврини ёмон ўтказади. Кўрпа-тўшак қилиб бели, қорни қаттиқ оғриётганидан шикоят қилади. Касалхонага тушгудек бўлса шифокорларнинг хатти-ҳаракатидан безовталанади. Лекин ўзаро низони тинч йўл билан бартараф этишга ҳаракат қилади.

**ЧАЁН (24.10-22.11)** Ўз табиатига кўра чидамлидир. Шу сабабли унга грипп унча-бунчага юқавермайди. Чунки чаёнда грипп вирусига қарши иммунитет кучлидир.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)** Гриппни "доғда қолдирмоқчи" бўлади. Бу баъзида нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Аммо у бу ҳақда кўп ўйлаб ўтирмайди. Чунки кўп ишларга улгуриши керак. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқотар кундалик югур-югурлардан бироз дам олса бас, тезда касалликни енгишга куч-қувват топади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-20.01)** Касаллик даврида яхши хабарни орзиқиб кутади. Унга даволаниб, соғайиб кетиши учун шифокорлар тўғри ташхис қўйиб, тўғри усуллар қўллашаётгани ҳақида кафолат керак. Эркак тоғ эчкиси касаллангудек бўлса, атрофдагиларнинг ҳаммаси бемор бўлиб туюлаверади.

**ҚОВҒА (21.01-19.02)** Бўш вақтини кўпроқ уйда, севимли машғулоти билан шуғулланган ҳолда ўтказади. Шу сабабли кўчага чиқиши билан вирусга дуч келади. Касалликни орттириб олгач, соғайиб кетиш учун даволанишнинг барча усулларидан фойдаланишга тайёр.

**БАЛИҚ (20.02-19.03)** Касалликдан ортиқча безовталанади. Аҳволи яна ҳам ёмон бўлиши ҳақида кўп гапиради. Ушбу бурж остида туғилганларнинг кўпчилиги аллергик касалликлар билан оғригани туфайли балиқлар учун дориларни ниҳоятда ҳушёрлик билан танлаш даркор.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Каримжон РИХСИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Бобоқул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРГАШЕВ, Абдусамад МАМАЖОНОВ, Ўткир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад РАҲМОН, Низомиддин НУРМАТОВ, Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 136-53-14
Факс: (8.371) 133-41-89
Хатлар бўлими — 136-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 200, Адади 2122 Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Саҳифаловчи — Аслиддин БЎРИЕВ | Навбатчи— Сафар ОЛЛОЁРОВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти—19.00.

● Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. ● Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. ● «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. ● Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. ● Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.